Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 244 (6. 435) ◉ 1987 йил 28 октябрь, чоршанба ◉ Баҳоси 3 тийин

Халқ депутатлари! Комплекс иқтисодий ва социал ривожланишда, халқнинг социалистик ўзини-ўзи бошқаруви принципларини рўёбга чиқаришда Советларнинг ролини оширингиз! Меҳнаткашларни, бутун аҳолини уй-жой қурилиши программасини амалга оширишга, медицина хизматини яхшилашга отлантиринглар, соғлом турмуш маданиятини қарор топтиринглар!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН)



Тошкент. 1987 йил 27 октябрь. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси. А. Авазов, В. Лешченко ва Б. Юсупов фотоси (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

27 октябрь куни Тошкентда ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси очилди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари **И. Б. Усмонхўжаев, Т. А. Алимов, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, В. А. Головин, П. В. Догонкин, В. Н. Лобко, Р. Н. Нишонов, В. И. Огарок, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин**, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукуматининг аъзолари, СССР Олий Совети Президиуми аппаратининг масъул ходими **Б. Б. Вишневский** ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси **П. Қ. Ҳабибуллаев** очди.

Сессия қатнашчилари вафот этган депутат С. Қаландаровнинг хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессиясидан кейин сайланган депутатларнинг ваколатларини тўғри деб топиш ҳақида мандат комиссиясининг раиси депутат **Т. Қ. Жўраева** докладини тинглади.

Олий Совет Тошкент область 95-Бордонқўл сайлов округидан сайланган депутат **Р. А. Попов**; Андижон область 133-Бўз сайлов округидан сайланган депутат **А. Сатторов**; Бухоро область 182-Сармижон сайлов округидан сайланган депутат **А. Ҳ. Тошканбоев**; Самарқанд область 342-Пахтакор сайлов округидан сайланган депутат **Г. М. Писулин**; Самарқанд область 343-Сочакиболо сайлов округидан сайланган депутат **Е. И. Рибяк**; Сурхондарё область 361-Термиз қишлоқ сайлов округидан сайланган депутат **Ш. З. Камолхўжаев**, Фарғона область 423-Файзиобод сайлов округидан сайланган депутат **И. Искандаров**; Фарғона область 435-Рапқон сайлов округидан сайланган депутат **А. В. Козирь**; Хоразм область 466-Қарамон сайлов округидан сайланган депутат **Л. И. Нетяга**; Хоразм область 473-Хива сайлов округидан сайланган депутат **М. Ҳ. Холмуҳамедов**; Қорақалпоғистон АССР 501-Саробий сайлов округидан сайланган депутат **Р. Ҳ. Жўраев**; Қорақалпоғистон АССР 507-Чимбой шаҳар сайлов округидан сайланган депутат **А. С. Малолетов** ваколатларини тўғри деб топиш ҳақида қарор қабул қилди.

Сессиянинг кун тартиби ва иш тартиби бир овоздан тасдиқланади.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари тўғрисида.

2. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида.

3. Ўзбекистон ССРнинг 1988 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССР 1986 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида.

4. Республика колхоз ва совхозларида «Алмашлаб экишни жорий этиш ҳамда ўзлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни қандай бажарилаётганлиги ҳақида.

5. Ўзбекистон ССР Олий Совети баъзи доимий комиссиялари составидаги ўзгартишлар тўғрисида.

6. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш ҳақида.

Сўнгра депутатлар кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқишга киришдилар.

Олий Совет депутат **Н. Отахонов**ни бир овоздан Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари қилиб сайлади. Депутат С. Каримовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат **И. И. Искандаров** «Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида» доклад қилди.

Ўзбекистон ССР молия министри депутат **Й. И. Маматисаев** «Ўзбекистон ССРнинг 1988 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССР 1986 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида» доклад қилди.

План-бюджет комиссиясининг раиси депутат **Ш. Ҳожимуротов** план ва бюджет тўғрисидаги масалалар юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджет ҳамда бошқа доимий комиссияларининг қўшимча докладини қилди.

Шундан кейин Олий Совет докладлар ва қўшимча докладни муҳокама қилишга ўтди. Музокараларда депутатлардан: **А. С. Малолетов** (507-Чимбой шаҳар сайлов округи), **Г. Ж. Мўминова** (233-Усмон Юсупов сайлов округи), **В. А. Смеюшчев** (142-Ильич сайлов округи), **Ш. Р. Мирсандов** (15-Луначарский сайлов округи), **В. И. Антонов** (426-Сурхтепа сайлов округи), **Р. М. Худойберганова** (462-Гурлан сайлов округи), **П. П. Мельников** (249-Зарафшон сайлов округи), **Қ. Холмирзаев** (88-Солдатское сайлов округи), **Б. И. Бугров** (171-Жумабозор сайлов округи), **П. Қосимов** (287-Шаҳанд сайлов округи), **А. Х. Тошканбоев** (182-Сармижон сайлов округи), **Д. О. Мелибоева** (390-Крестьянск сайлов округи), **Ю. С. Васильев** (351-Ургут сайлов округи), **И. А. Азаматов** (47-Шумилов сайлов округи), **Ҳ. Э. Бердиев** (378-Анбарсой сайлов округи), **С. Ёқубова** (440-Риштон сайлов округи), **О. М. Маҳмудов** (236-Кўкдала сайлов округи), **Х. Тошев** (199-Дўстлик сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Сессияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. Б. Усмонхўжаев** нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат **И. И. Искандаров** Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала юзасидан якунловчи нутқ сўзлади.

Олий Совет план-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссияларнинг тузатишларини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги Давлат плани тўғрисидаги Қонунни, шунингдек, Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги қарорни бир овоздан қабул қилди.

Депутатлар Ўзбекистон ССРнинг 1988 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунни ва Ўзбекистон ССР 1986 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги қарорни ҳам бир овоздан қабул қилдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

ЗАФАРЛАРИМИЗ— УЛУҒ ОКТЯБРГА

ОРОЛ СОҲИЛИГА

Бугун

СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент **трактор заводи** тракторларнинг **бир туркумини Қорақалпоғистонга юборди.**

Шу билан бу йил қардош қорақалпоқ пахтазорларида комбинатнинг Т—28—Х4М маркали уч ғилдиракли тракторларидан 706 та, Т—28—Х4МС—1 маркали тўрт ғилдиракли «пўлат от» дан 403 таси жавлон урмоқда.

Шулар билан бир қаторда корхона янги пневматик 2ПТС—4—793 маркали тележкалардан 1 минг 200 тасини ҳам Орол соҳили пахтакорларига жўнатди.

Қувончли томони шундаки, корхона Қорақалпоғистоннинг бу йилги буюртмасини шараф билан уддалади.

— Ҳозирги кунда, —дейди корхона реализация бўлимининг бошлиғи Н. И. Заяц. — Планга қўшимча маҳсулот топшираяпмиз. Автоном республика, Хоразм, Қашқадарё областларига биринчи навбатда хизмат кўрсатаяпмиз.

«ШАРҚ ИНЪОМИ»

Тошкент «Ўртоқ» кондитер фабрикаси коллективи янги маҳсулотини шундай номлаган. Қовун қоқи, қовирилган ёнғоқ ва асалдан тайёрлаб чиқарилаётган бу конфет думалоқ шаклда қуйилмоқда.

Бу конфет Москвадаги СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари ВДНХ павильонига намойиш этиш учун юборилди.

Шунингдек, «Хўрозча» ирриси ҳамда «Тек-так», «Ноктюрн» конфетлари тайёрлана бошлади. Бу шоколадлар кунгабоқар уруғидан ишланган ва хушхўр бўлиб, болалар истеъмол қилса бўлаверади.

Д. ОБЛАЕВ.

ЯНГИ БЎЁҚ

Бугун

Тошкент лак-бўёқ заводи коллективи янги эмаль бўёқ ишлаб чиқаришга киришди.

Бу бўёқ аввалги тайёрланган эмаль бўёқларга қараганда сифатли ва тез қурийди. Шуниси диққатга сазоворки, бўёқ нам юқтирмайди.

Бўёқ 6 килограммли банкаларда чиқарилмоқда. Баҳоси 8 сўм 79 тийин.

Биз ҳаммамиз—пахтакормиз



«ОҚ ОЛТИН»— ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 27 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун мавсум бошидан буён.

Хоразм	0,72	76,73
Бухоро	0,30	74,29
Сурхондарё	0,20	73,45
Тошкент	0,04	69,18
ҚҚАССР	0,91	64,78
Жиззах	0,02	64,51
Сирдарё	0,05	62,88
Фарғона	0,11	62,35
Наманган	0,09	54,15
Қашқадарё	0,04	51,85
Андижон	0,12	49,64
Навоий	0,16	46,06
Самарқанд	0,05	44,46
Республика бўйича	0,20	61,24

ИЛҒОРЛАР САФИДА

Машинамиз Сирдарё областининг Оқолтин районидаги «Фарғона» совхозида тўхтади. Бу ерда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти студентлари пахтакорларга кўмаклашишяпти. Институтнинг марказий дала штабига кирдик. Штаб бошлиғи, институт проректори Ҳамидулла Назаров бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Институтимиз бўйича пахтазорга 4189 киши чиққан. Студентларимиз Сирдарё областининг «Фарғона», Абдалин номидаги, «Чинобод», «Партия XXIII съезди» совхозларида меҳнат қилишмоқда. Улар ҳар куни хирмонга 120—150 тоннадан «оқ олтин» тўкишмоқда.

Шу кунгача институтимизнинг уйган хирмони жами бир минг тоннадан ошди. Факультетлар орасидаги мусобақада математика, тарих, ўзбек-қозоқ филологияси ва физика факультетлари корвонбошилик қилишмоқда...

Биз ўзбек-қозоқ филологияси факультетининг студентлари меҳнат қилаётган пахта даласига тушга яқин етиб келдик. Ошпаз ва медицина ҳамшираларидан ташқари ҳамма далада. Бизни факультет деканининг ўринбосари Файзулла Набиев қарши олди.

— Факультетимиз олтита бригадага бўлинган, — дейди у.— Уларнинг ҳаммаси бир ерга жойлашган. Баъзи бир камчиликларни эътиборга олмаганда, яшаш шароитимиз, таомларнинг тайёрланиши яхши. Икки марта кўчма дўкон келди. Унда студентларга кийим-кечак, дори-дармонлар олиб келинди.

Ф. Набиевнинг айтишича, факультет студентларидан ташкил топган бригадалар кунига 5900 килограммгача «оқ олтин» йиғиб-териб олаётган экан.

Кейинги беш кунликда опа-сингил Турғунтош ва Светлана Жумаевалар илғор теримчилар деб эълон қилинган. Уларнинг ҳар бири кунига 180—200 килограммдан пахта термоқда.

— Биз, опам Турғунтош билан бойлашиб ишлаяпмиз. —дейди Светлана Жумаева. — Ўйлайманки, бу мусобақада ғолибни аниқлаш мушкул бўлса керак. Чунки шу кунгача опам ва мен терган пахтамиз тенг бўлиб турибди.

Биринчи бригада мусобақа илғорларидан ҳисобланади. Бу бригадага профессор Ҳ. Ҳомитов бошчилик қилмоқда.

— Студентларимизнинг деярли ҳаммаси ўз мажбуриятларини бажаришга ҳаракат қилишмоқда, — дейди у. — Шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, мажбуриятлар юксак. Ҳар бир бригада аъзоси 100 килограммдан пахта топшириши керак. Бу кўрсаткич бажариляпти.

Факультет студентларидан Фотима Қутлиева, Тоҳир Хатамов, Рафиқ Қодиров, Роҳатой Ғаниева, Зулфия Норматова, Ниғора Шиннаева ва бошқалар ўз мажбуриятларини ортиғи билан адо этишмоқда.

Хирмонга оппоқ пахта уюлмоқда. Этаклари бўшаган студентлар яна далага йўл олишади. Улар бебаҳо бойлик — «оқ олтин»ни тезроқ йиғиштириб олишга ошиқишмоқда.

Дилшод ЖАЛОЛОВ,
Сабоҳиддин МАМАЖОНОВ.

СУРАТЛАРДА: илғор теримчилар: опа-сингил Светлана ва Турғунтош Жумаевалар; кунлик мажбурият ҳисоботи эълон қилинмоқда.

Авторлар фотолари.



МЕҲНАТ ШАРОФАТИ

Эсимни танибманки, қурилиш ҳақида ўйлайман. Бу жуда ёшлигимданоқ шу касбга ихлос қўйганимдан бўлса керак. Мактабда ўқиб юрган вақтларимда кўпқаватли иморатлар расмини дафтарга туширардим. Ўқитувчиларимиз машқларимни кўришиб «Сендан моҳир рассом чиқади», дейишарди. Мен бу гап-сўзларга мутлақо эътиборсиз, қоғозда уй қурганим-қурганди.

Ўнинчи синфни битириб, тўғри қурилишга ишга келдим. Мени «Ташсантехгазмонтаж» трестининг 2-монтаж бошқармасига ишга қабул қилишди. Ўшандан бери орадан қанча йиллар ўтиб кетди. Ҳамон шу касбимни эъзозлаб келаман. Чунки касбим менга чинакам бахт берди. Оилали бўлдим. Болаларим билан бахтлиман.

Умр йўлдошим Машҳура ўзимдек оддий касб эгаси бўлиб ишлайди. Камтарин меҳнати билан ўз корхонасида обрў-эътибор топган. У билан олти болани тарбиялаб, вояга етказаяпмиз. Катта ўғлимиз Бахтиёр сафимизга кирди. У менинг изимдан бориб қурилишга ишга жойлашди. Ҳозир ўзим билан ёнма-ён ишлаяпти.

Бир неча йилдирки, илғор бригадага бошчилик қиламан. Сўнгги йилларда коллективимиз малакали кадрлар ҳисобига бойимоқда. Натижада қурилиш ҳажми сезиларли даражада ошмоқда. Йиллик план ва топшириқларимиз муваффақиятли бажарилмоқда. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки партиямиз XXVII съезди 2000 йилга бориб деярли ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки шахсий уй билан таъминлаш вазифасини олдимизга қўйди. Хўш, бунга қандай эришмоқ керак? Фан ва техника тараққиётини юксак даражага кўтариш, технология жараёнларидан самарали фойдаланиш, илғор метод ва усулларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, коллектив ва бригада пудрати методларини амалда қўллаш, жадаллаштириш, қайта қуриш туфайлигина бу маррага эришилади. Бошқармамизда бу масалаларда катта тадбирий-ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.

Шу кунларда бригадамиз ишчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги нишонланадиган кунгача ўн иккинчи беш йилликнинг икки йиллик план-топшириқларини бажариш иштиёқи билан банд. Илғорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Хуллас, қўлга киритаётган ютуқларимиз ҳақида анча-мунча сўз айтса бўлади. Лекин съезд минбаридан қайд этилган **«Уй-жойларни қуриш сифати паст эканлиги кўп эътирозларга сабаб бўлмоқда»**, деган сўзларга эътибор берадиган бўлсак ишимиздаги камчиликлар ҳам яққол кўзга ташланиб қолади. Хўш, булар нималардан иборат? Очиғини айтганда, биз сифат масаласида ҳали ҳам оқсаяпмиз. Бунинг албатта объектив ва субъектив томонлари бор.

Коллективимиз асосан биноларни канализация, водопровод, иссиқлик системаси билан таъминлаш иши билан шуғулланади. Бирон-бир объектга боришимиз билан кўпинча бизга шундай талаб қўйишади. «Бош пудратчи ташкилот объектни топшириш муддатини чўзиб юборди. Энди умидимиз сизлардан. Бир тезлатиб берасизлар», дейишади. Тезлатиш эса ҳар хил бўлади. Бундан кўпинча монтажчиларнинг ўзлари ҳам маҳаатдор бўлишади. Лекин «Ҳа бўл-ҳа бўл» қабилида иш тутиш қоидага бутунлай хилоф. Ишдаги сифатсизлик эса худди мана шу ердан бошланади.

Сифат масаласида гап борганда бизга келтириладиган материаллар хусусида икки оғиз гапириб ўтиш ҳам жоиздир. Кўпинча бизга сифатсиз қувурлар, иситиш батареялари келтирилади. Баъзан уларни объектнинг ўзида бир сидра ремонтдан чиқаришга ҳам тўғри келади. Бунинг учун эса қанча вақт кетади. Натижада объектни топшириш муддати кечикади. Тезкорлик билан ишлаш натижасида иш сифатига путур етади.

Иш сифатини оширувчи омиллардан бири меҳнат интизомидир. Сўнгги йилларда тилимизда темир интизом деган сўзлар тез-тез такрорланаётганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки қаерда интизом мустаҳкам бўлса, ўша ерда иш унуми ҳам, сифат ҳам яхши бўлади. Шуни ҳисобга олиб, коллективимиз орасида интизом масаласига катта эътибор бераяпмиз. Бу йўлда изланишлар олиб борилмоқда. Янги-янги усуллар қўлланилмоқда.

Хуллас, ўз ишига масъулият билан ёндошган киши ҳамиша муваффақиятга эришади. Коллектив ўртасида унинг обрў-эътибори ошади. Мен буни ўз ҳаётий тажрибамдан яққол биламан. Чунки мен нимагаки эришган бўлсам ҳаммаси ўз ишимга виждонан ёндошганлигим ва ҳалол меҳнатим туфайли эришдим. Ана шу меҳнатдан ҳақиқий бахтимни топдим.

Бригадамизда Абдуваҳоб Мусаев, Рустам Ҳайдаров сингари меҳнат ветеранлари ишлашади. Улар ўзларининг кўп йиллик тажрибаларини ёшлар билан баҳам кўришади. Шу кунларда коллективимиз шаҳримизнинг София проспектида юқумли касалликлар шифохонасининг янги корпусида самарали меҳнат қилмоқда.

Т. ҲАСАНОВ,
«Ташсантехгазмонтаж» трестининг 2-монтаж бошқармаси бригадаси бошлиғи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.

Халқ назоратчиси

№ 7 (248)

ТУШОВЛАНГАН ВАГОНЛАР

Ҳамза район халқ назоратчилари район Совети ижроия комитети қошидаги депутатлик комиссиялари билан биргаликда район корхоналари ва ташкилотларида темир йўл вагонларидан фойдаланиш тартиби билан танишиб чиқдилар. Маълум бўлишича, ҳали кўпгина корхона раҳбарлари ҳамон эскича услубда иш юритиб, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг вагонларга юк ортиш ва тушириш ишларининг узлуксиз ташкил этилишини таъминлаш тўғрисидаги кўрсатмаларидан реал хулоса чиқариб олмаганлар. Жойларда вагонларнинг бўш туриб қолишига қарши кескин кураш олиб борилмаяпти. Шунинг учун ҳам райондаги корхона ва ташкилотлар томонидан тўланаётган жарималар ортиб бормоқда

Масалан, «Узмясомолторг» (бошлиқ ўринбосари Т. Каримов, транспорт бўлими бошлиғи В. П. Донсков) улгуржи идораси шу йилнинг ўтган ойлари давомида вагонларнинг белгиланган нормадан ортиқча 3646 соат туриб қолишига йўл қўйган. Натижада идора раҳбарлари бўш туриб қолган вагонлар учун 9500 сўм жарима тўлашди.


Идора ва транспорт бўлими раҳбарларининг контролсизлиги туфайли вагонлар музхоналарда узоқ муддат юки билан туриб қолмоқда.

3-республика чакана ишлаб чиқариш идораси (директор ўринбосари Саидов) ҳам бу борада юқорида номи тилга олинган корхона билан «мусобақалашмоқда». Бу ерда вагонлар белгиланган нормадан 1297 соат ортиқча туриб қолганлиги факти аниқланди. Бунинг учун идора раҳбарлари 4785 сўм жарима пулини қуртдек санаб бердилар. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Агар мана шу пул айбдорлар киссасидан тўланганда, улар бу камчиликка йўл қўйишармиди? Албатта йўқ. Ҳотамтойлик давлат ҳисобига бўлгандан сўнг уларга нима. Шуниси характерлики, бир неча бор юқоридан берилган кўрсатмаларга қарамай, идора раҳбарлари бу борада ишни ҳамон ижобий томонга йўналтира олмаяптилар.

«Меҳнат» фабрикаси филиали (директор Х. Ҳайдаров) ҳам юқоридаги «мусобақадош»ларидан орқада қолмаяпти. Бу ерда ҳам вагонларни юклаш ва тушириш ишлари ўлда-жўлда. Филиалда вагонларнинг бекор туриб қолиши ўтган йилга нисбатан икки баравар ошганлиги кишини таажжублантиради. Шу йилнинг ўзида корхона 2618 сўм жарима тўлаган.

Хўш, юқорида номлари зикр этилган корхоналарнинг раҳбарлари йўл қўйилган камчиликлардан қачон тўғри хулоса чиқарадилару, тушовланган вагонларни ўз вақтида бўшатиб юборадилар? Биз улардан бу саволга жавоб кутамиз.

З. САМИГУЛЛИН,
шаҳар халқ контроли комитетининг ташкилий бўлим мудири.



Ўз ишининг устаси

З. Симиянов бир неча йиллардан буён шаҳримиздаги «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида халқ контроли раисининг муовини сифатида фаоллик кўрсатиб келади. Бу ўз ишининг устаси ва синчков назоратчининг ташаббуси билан халқ назоратчилари корхонадаги камчилик ва нуқсонларнинг олдини олишяпти. Бирлашмада тайёрланаётган робот техникасининг сифати ортиб бормоқда. Меҳнат интизоми эса мустаҳкамланмоқда. Халқ назоратчилари айниқса маҳсулот сифатига асосий эътиборни қаратишган. Улар корхонада ишлаб чиқараётган кенг истеъмол буюмлари сифатини текшириб боришни ҳам эътибордан четда қолдиришмайди.

Корхонада юксак техник жиҳозлар билан қуролланган янги-янги станоклар ўрнатилмоқда. Шулардан бири Германия Демократик Республикасидан келтирилган «Микромат» станогидир. Янги техниканинг тўғри ўрнатилиши ва самарали ишлашида ҳам халқ назоратчиларининг хизмати катта бўлди.

СУРАТДА: бирлашма халқ контроли раиси ўринбосари З. Симиянов назоратчилар М. Вайзбург ва А. Гогинлар билан янги станокнинг электрон бошқариш пультини кўздан кечирмоқда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

Хўжасизлик оқибати

Октябрь район халқ контроли комитети ўзининг навбатдаги мажлисида «Главташкентстрой»нинг «Таштрансспецстрой» трести СССР Министрлар Советининг «Ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари, муассасалари тўғрисида»ги 1985 йил 17 октябрда қабул қилган қарорининг қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилди.

Аниқланишича, трест (бошқарувчиси Р. Асриев) ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш эвазига чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва уни кўпайтириш ишларининг узлуксиз ташкил этилишини таъминлаш тўғрисидаги кўрсатмаларидан реал хулоса чиқариб олмаганлар. Жойларда вагонларнинг бўш туриб қолишига қарши кескин кураш олиб борилмаяпти. Шунинг учун ҳам райондаги корхона ва ташкилотлар томонидан тўланаётган жарималар ортиб бормоқда

Масалан, «Узмясомолторг» (бошлиқ ўринбосари Т. Каримов, транспорт бўлими бошлиғи В. П. Донсков) улгуржи идораси шу йилнинг ўтган ойлари давомида вагонларнинг белгиланган нормадан ортиқча 3646 соат туриб қолишига йўл қўйган. Натижада идора раҳбарлари бўш туриб қолган вагонлар учун 9500 сўм жарима тўлашди.

Идора ва транспорт бўлими раҳбарларининг контролсизлиги туфайли вагонлар музхоналарда узоқ муддат юки билан туриб қолмоқда.

3-республика чакана ишлаб чиқариш идораси (директор ўринбосари Саидов) ҳам бу борада юқорида номи тилга олинган корхона билан «мусобақалашмоқда». Бу ерда вагонлар белгиланган нормадан 1297 соат ортиқча туриб қолганлиги факти аниқланди. Бунинг учун идора раҳбарлари 4785 сўм жарима пулини қуртдек санаб бердилар. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Агар мана шу пул айбдорлар киссасидан тўланганда, улар бу камчиликка йўл қўйишармиди? Албатта йўқ. Ҳотамтойлик давлат ҳисобига бўлгандан сўнг уларга нима. Шуниси характерлики, бир неча бор юқоридан берилган кўрсатмаларга қарамай, идора раҳбарлари бу борада ишни ҳамон ижобий томонга йўналтира олмаяптилар.

«Меҳнат» фабрикаси филиали (директор Х. Ҳайдаров) ҳам юқоридаги «мусобақадош»ларидан орқада қолмаяпти. Бу ерда ҳам вагонларни юклаш ва тушириш ишлари ўлда-жўлда. Филиалда вагонларнинг бекор туриб қолиши ўтган йилга нисбатан икки баравар ошганлиги кишини таажжублантиради. Шу йилнинг ўзида корхона 2618 сўм жарима тўлаган.

Хўш, юқорида номлари зикр этилган корхоналарнинг раҳбарлари йўл қўйилган камчиликлардан қачон тўғри хулоса чиқарадилару, тушовланган вагонларни ўз вақтида бўшатиб юборадилар? Биз улардан бу саволга жавоб кутамиз.

З. САМИГУЛЛИН,
шаҳар халқ контроли комитетининг ташкилий бўлим мудири.

Ўзбошимчаларнинг ҳомийлари

Куйбишев район халқ контроли комитетининг аъзолари 67-турар жой эксплуатация участкаси фаолиятини текширганларидан кейин ана шундай хулосага келишди. Участка бошлиғи вазифасини бажарувчи П. Колганов ва район турар жой ишлаб чиқариш эксплуатация трестининг бошлиғи С. Мевзос ҳомийлик қилмаганида «1-Ташавтомаш» микрорайонидаги бўшаган 17 квартирага одамлар ўзбошимчалик билан кириб олишмаган бўларди. Бу икки раҳбарнинг тортмасида ўзбошимчалик билан эгалаб олинган квартиралар ва уларда истиқомат қилаётган кишиларнинг рўйхати сақланмоқда.

Микрорайонда истиқомат қилаётган аҳоли турар жой масаласи ниҳоятда долзарб эканлигини улар яхши билишади. Шунга қарамасдан массивда олтита квартира ҳанузгача бўш турганлиги ҳақида трестда бутунлай маълумот йўқлигини қандай тушуниш керак?

Район турар жой эксплуатация ишлаб чиқариш трести ва 67-турар жой эксплуатация участкаси раҳбарларининг ўз ишларига лоқайдлик билан қараётганликлари туфайли ремонталаб уйларни вақтида ремонтдан чиқариш ва бўшаган квартираларни расмийлаштиришда ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Шу боисдан бўшаган квартираларни ремонт қилиш ва уларни трест балансига ўтказиш ишлари ниҳоятда чўзилиб кетмоқда.

Участка ходимлари ҳуқуқ органлари билан ҳамкорликда ишлашни йўлга қўйиша олишмаган. Жумладан, «2-Ташавтомаш» массивидаги 57-уйнинг 40-квартирасини бўшатиб қўйиш ҳақида ўтган йилнинг январь ойида санкция чиқарилган эди. Лекин ҳозирга қадар квартирани бўшатиб қўйиш чоралари кўрилмаган. «1-Ташавтомаш» массивидаги 17-уйнинг 23-квартирасида, «4-Ташавтомаш» массивидаги 4-уйнинг 25-квартирасида кишилар ўзбошимчалик билан истиқомат қилишаяпти. Лекин шунга қарамасдан бу квартираларни бўшатиб қўйиш билан боғлиқ масалани кўриб чиқишга шошилмаяпти. Район турар жой эксплуатация ишлаб чиқариш трести ва 67-турар жой эксплуатация участкаси ходимларининг лоқайдлигидан фойдаланган ўзбошимча кишилар шинам хоналарда ноқонуний яшашни давом эттиришмоқда. Ваҳоланки, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, муассасаларда квартирага навбатга турганларнинг рўйхати анча узун. Агар трест ва участка ходимлари масъулиятни ҳис қилганларида ана шу рўйхатда турганларнинг квартира олиши тезлашган бўларди. Район турар жой ишлаб чиқариш эксплуатация трести бошқарувчиси С. Мевзосга қаттиқ виговор берилди. Эҳтимол, бундан буён бўш квартираларни вақтида аниқлаш ва уларни муҳтож кишиларга тақсимлашда ўзгариш бўлар?

М. ОТАХОНОВ.

ЁПИҒЛИК ҚОЗОН ОЧИЛАДИМИ?

«Ташавтотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмаси зиммасида жуда катта масъулият бор. Уларни тўла-тўкис амалга оширишда халқ контроли группа ва постларининг кўшаётган ҳиссаси ҳам салмоқли бўлиши, текширишларнинг самарадорлигини ошириш, уларни ҳар жиҳатдан ниҳоясига етказишнинг роли нақадар катталиги ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Партия ташкилоти бошчилигида бирлашманинг халқ контроли группаси текширишларнинг натижаси, уларнинг бажарилиши устидан муайян ишларни амалга оширяпти. Сир эмас, группа бирлашма бўлинмаларидаги ишларнинг аҳволига чуқурроқ кириб борадиган, ўзига берилган ҳуқуқдан тўлароқ фойдаланадиган бўлиб қолди. Бунинг натижасида халқ назоратчилари киритаётган таклифлар ва тавсиялар амалга ошириляпти.

Аммо бу ерда барча ишлар кўнгилдагидек экан-да, дейишга тўла асос бермайди. Бундай дейишимизнинг сабаби бор, албатта. Агар биз бирлашманинг халқ контроли группа ва постлари ишига ҳозирги юксак талаблар нуқтаи назаридан, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг СССР ва Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетлари қисботлари бўйича чиқарган қарорлари талаблари ассосида ёндошсак, ҳали бу ерда жиддий нуқсонлар мавжудлиги равшан кўринади-қолади.

Энг аввало шуни айтиб ўтиш керакки, бирлашма халқ контроли группа ва постлари энг муҳим масалалар бўйича текширишларни онда-сонда ўтказмоқдалар. Масалан, 2, 7-техника хизмати кўрсатиш станцияларида меҳнатсиз даромадларга қарши кураш, планларнинг бажарилиши тўғрилигини, ремонт сифатини текшириш, янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва бошқа масалаларга халқ контроли группа ва постлари унчалик жиддий эътибор беришмаяпти.

Ғоҳида шундай ҳам бўлдики, группа ва постларнинг аъзолари кўз ўнгида хўжасизлик, меҳнат интизомини бузиш ҳоллари рўй берди. Масалан, 11-техника хизмати кўрсатиш станциясида шундай бўлди. Аммо улар буни кўриб-кўрмаганликка солишади.

Группа ва постларда ўтказилган текширишларнинг ярмига яқини кам самара беряпти, десак асло муболаға бўлмайди. Аниқланган нуқсонларга ҳам тўла барҳам берилмаётир. Хўш, нега шундай ҳол содир бўляпти.

Мисолларга мурожаат қилайлик. 11-техника хизмати кўрсатиш станциясида ташкил этилган пост хўжакўрсинга қилингандек таассурот қолдиради. Негаки, текширишларга жуда бўш тайёргарлик кўрилади. Уларни ўтказишга юзаки ёндошилади. 17-техника хизмати кўрсатиш станциясининг халқ контроли постн ҳақида ҳам худди шундай фикрни бемалол айтиш мумкин. Ўтган йили бўлиб ўтган ҳисобот ва сайловлардан кейин бу станцияларнинг постлари томонидан контроль иш ўтказилмади. Сайланган халқ назоратчилари ўзларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан адо этишмаётир. 2-техника хизмати кўрсатиш станциясида халқ контроли постини ташкил этиш ҳақида узоқ орзу қилиб келишди. Ахир, бу ерда халқ контроли пости ташкил этилса, кўпгина камчиликларнинг олди олинган бўларди-ку. Наҳотки, шуни станция директорига тушунтириш зарур бўлса. 11 ва 17-станцияларнинг халқ контроли постлари бошлиқлари Т. Шодиев ва Т. Мирзаахмедовлар ҳам номигагина ишламасдан, пост фаолиятини тубдан қайта қуришлари керак! Бош группа бўлинмаларидаги халқ контроли постларининг фаолияти устидан ҳақиқий раҳбарликни амалга оширмоғи зарур.

Техника хизмати кўрсатиш станцияларида халқ назоратчилари очиб ташлаган айрим нуқсонлар ошкора этилмаяпти. Чамаси, улар ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолгани маъқул қабилида иш тутишаётганга ўхшайди. Негаки, «Халқ контроли экранлари» ташкил этилмади. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Бирлашмада халқ назоратчиларини мунтазам ўқитиш йўлга қўйилмаган. Бу масалага ҳам жиддий эътиборни қаратиш керак.

Хўш, халқ контроли группа ва постлари нега тузилади? Бундан мақсад нима? Бирлашма группа ва постларининг қониқарсиз иш олиб боратганини яқинда шаҳар халқ контроли комитетида таъкидлаб ўтилди. Ахир, улар салбий ҳолатларни очиб ташлашга ва уларга барҳам беришга, партия ва ҳукуматимиз директивалари бирлашмада қандай амалга оширилаётганини назорат қилишга, давлат ва меҳнат интизомига шаҳардаги автомобилларга техника хизмати кўрсатиш корхоналарида қандай риоя этилаётганини текшириш ва интизомни ҳар томонлама мустаҳкамлашга даъват этилган-ку. Наҳотки, улар ўз бурчлари нимадан иборат эканлигини қайта-қайта тушунтиришни ўзларига эп кўрсалар.

Йўқ, ишларни бундай ўз ҳолига ташлаб қўйиш, текширишлар натижаси билан қизиқмаслик ва улар ижросини охирига етказмасликка эътиборсиз қарашларга қатъий чек қўйиш пайти келмадимикан? Тўғри, халқ контроли бош группаси раиси Султоновга бирлашма халқ назоратчиларининг йиғилишида мазкур масалаларни муҳокама этиш ва ишдаги нуқсонларга барҳам бериш тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Уйлайманки бирлашма группа ва постлари яқин келгусида ўз ишларида бурилиш ясайдилар.

Ҳ. АКРОМОВ.

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

Социализм мамлакатларида

ПРАГА. Чехословакия пойтахтида «Улуғ Октябрнинг революцион ғояларини ижодий меҳнатимиз билан ривожлантирамиз» шиори остида катта китоб кўргазмаси очилди. Кўргазмани Чехословакия Социалистик академияси ҳамда Бутуниттифоқ «Билим» жамияти биргаликда ташкил этган. Юзлаб китоблар, журналлар, кўп сонли фотосуратлар ва бошқа ҳужжатлар бутун социалистик қурилиш йўлида, планетада тинчлик ва хавфсизлик учун курашда Чехословакия ва совет халқларининг дўстлиги ва яқин ҳамкорлиги тўғрисида яққол тасаввур беради.

* * *

БУДАПЕШТ. Венгрия пойтахтининг темирйўлчилари мамлакат пўлат магистралларининг ходимларига «Меҳнат вахталари — Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига» деган даъват билан мурожаат қилдилар. Улар Октябрь байрамигача жамоатчилик асосида вагонлар составини, ўнлаб километр темир йўлни ремонтдан чиқариш мажбуриятини олдилар. Ана шу тарзда ишлаб топилган пуллар мактаб, болалар боғчаси, касалхона қурилишига юборилади. Темирйўлчилар шонли юбилей шарафига олган ишлаб чиқариш мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Улар бу йил қариб 130 миллион тонна юк ташиларини ташиб беришга, йўл транспортининг узлуксиз ва бир маромда ишлашига эришиш учун сўз берганлар. Совет — Венгрия расидаги Захонь станциясида темир йўл узели коллектив социалистик мусобақадошлари пешқадамлари сафида боришмоқда.

* * *

Марказий Венгрия — Тольна областида Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига ғишланган дўстлик кунлари тантанали равишда очилди. Дўстлик кунлари программасига ўлка меҳнат коллективларининг совет санъат ходимлари билан, венгрия ҳамкасблари билан бевосита алоқа қилувчи корхоналарнинг делегацияларя учрашувлар ўтказиш назарда тилган.

Пакш шаҳрида совет машжатлари ва машина-трактор лари асосида, Ўзаро Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатларнинг бевосита иштирокида қурилган атом электр станциясининг яқин келажакда ичида тўртинчи энергия блокини венгер энергетикларига тантанали топшириш рўлик кунларининг асосий воқеаларидан бири бўлади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Рональд Рейган Эронни Қўшма Штатларга қарши «ғирғорона хатти-ҳаракатлар» қилишда айблади ва АҚШ «жавоб чоралари кўришга тайёргарлик кўрмоқда», деди. Рейган Оқ уйда ўтказилган матбуот конференциясида сўзга чиқиб, АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг кемалари Форс кўрфази районида Америка байроғи илинган Кувайт танкерларини кузатиб бориш операцияларини давом эттираверадилар, деди. Президент мазкур кўрфаздаги АҚШ қуролли кучларининг хатти-ҳаракатларини оқлашга яна бир карра уриниб, «халқаро кема қатновини эркинлигини таъминлаш» зарурлигини рўкач қилди.

Президент ўзи бош бўлган маъмурият Форс кўрфазидан ҳарбий кемаларни қачон олиб чиқиб кетишни мўлжаллаётганининг айтишдан бўйини товлаб, ҳозирнинг ўзидаёқ ана шу кўрфаздаги бундай кемаларнинг сони 30 тадан ортиб кетганлигини айтди. «Бизнинг ҳарбий денгиз кучларимиз у ерда 1949 йилдан бери турибди»,— деди Рейган. «Биз у ерга уруш бошлаш мақсадида борганимиз йўқ» деб даъво қилди АҚШ президенти.


● ПАРИЖ. Франция ташқи ишлар министри Андре Жоффаа Ғарбий Европа мамлакатлари билан ҳарбий ҳамкорликни бундан буён ҳам кенгайтиришни ёқлаб гапирди. Министр Франциядаги Рейкьявик саммити ҳақида чиқадиган «Юнион Репюблик» газетаси мухбири билан суҳбатда яна Франция ҳукумати гўё эддий қурол-яроғлар соҳасида социалистик мамлакатларнинг устунлиги тўғрисида зўр бериб таъкидлаган даъволарини қайтарди.

Объективда — Буюк Британия



Буюк Британияда бойлар билан камбағаллар ўртасидаги тафовут тобора чуқурлашиб бормоқда. Мамлакат марказий статистика бошқармасининг Лондонда эълон қилинган навбатдаги обзори ана шундан далолат беради.

СУРАТЛАРДА: бугунги Британиянинг давлатмандлари ижтимоий онлаб бойлик орттираётган Лондоннинг амалий ишлар маркази; бошпанаси йўқ, ишсиз ливерпулликлар шаҳар қилхонасидан кийим-кечак ва озиқ-овқат қидиришмоқда.



Калейдоскоп

ТЮЛЕНЛАР МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ

Хельсинкида тюленларнинг тасвири фақат реклама нашрларидагина кўзга ташланмайди. Ана шу ҳайвонларни муҳофаза этишга даъват этувчи эмблемаларни бугунги кунда автобусларда, машиналарда ва ҳатто мактаб ўқувчиларининг папкаларида ҳам кўриш мумкин. Ўтган йилдан бошлаб Шимолий Европа атроф-муҳитни муҳофаза қилиш активистлари эндиликда нодир бўлиб қолган ана шу ҳайвонларнинг тақдирига шведлар ва финларнинг эътиборини жалб этиш учун кенг кампания олиб боришяпти.

Бир неча ўн йил илгари Болтиқ денгизида юз мингдан зиёд тюленлар мавжуд эди. Эндиликда уларнинг сони бир ярим мингдан ошмайди. Етти мамлакат қарори билан ташкил этилган Болтиқ денгизи комиссиясининг мутахассислари тюленни овлашни қатъиян ман этишни талаб қилишяпти. Мазкур ҳайвонларнинг камайиб кетишига асосий сабаб Болтиқ денгизи сувларининг юксак даражада бугланаётганлигидир. Денгизда жуда кўп кемалар қатнаши билан бирга, унинг соҳилларида юзлаб саноат корхоналари жойлашган. Агар қатъий чоралар кўрилмаса, деб таъкидлашади Болтиқ денгизи комиссияси вакиллари, ана шу нодир ҳайвонлар тўла қирилиб кетиши мумкин.

АВТОМОБИЛЬ УЧУН КЎЗ

Японияда автомобилни бошқаришнинг автомат қурилмаси ишлаб чиқарилди. Бу қурилма тарихда «сунъий кўз» ҳам киради.

Кўз вазифасини олдинги бамперга ўрнатилган иккита телекамера ўтайди. Улар 5—10 метр масофадаги объектларни «кўра олади». Бу, деб ёзади ГФРда чиқадиган «Индустри анцайгер» журнали, машина бортидаги компьютер тегишли қарор қабул қилиши ва йўлдаги тўқнашувнинг олдини олиши учун етарлидир.

«ЎЗБЕКИСТОН АГИТАТОРИ»—1988 ЙИЛДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Ўзбекистон агитатори» журнали ойига икки марта ўзбек ва рус тилларида чиқади, у снёсий ахборотчилар, снёсий докладчилар, агитаторлар, кўргазмали агитацияни безатувчи рассомлар ва снёсий агитациянинг бошқа активистларига системали равишда малакали ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган.

Суҳбат ва снёсий ахборотга қандай тайёрланиш керак? Факт ва рақамли материалдан қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш мумкин? Суҳбатга тайёргарлик жараёнида китоб, журнал, газетадан қандай фойдаланиш керак? Тингловчилар эътиборини қандай жалб қилиш мумкин? — Журналимиз саҳифаларидан ана шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мумкин.

Журналда эълон қилинадиган материаллар агитация ходимининг умумий билим, ғоявий-снёсий савиясини оширишга, маҳоратини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Журналда партия съездлари қарорларини тушунтиришга катта эътибор берилади, ривожланган социализмни такомиллаштириш вазифаларини амалга оширишнинг бориши кенг ёритилади, республикамизда, мамлакатда ва чет элларда юз бераётган воқеалар изоҳлаб борилади.

Журналнинг ҳар бир сонида ғоявий-тарбиявий ишни ташкил этишнинг конкрет тажрибаси билан танишиш мумкин. Унинг саҳифаларида республиканинг энг яхши снёсий ахборотчилари ва агитаторлар иш тажрибасини алмашиниб турадилар. Яна аввалгидаги каби кенг авторлар активи: партия комитетларининг секретарлари, партия ва комсомол ходимлари, кўзга кўринган олимлар, омавий-снёсий иш активистлари, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илғорлари ва новаторлари, министрлик ва идораларнинг раҳбарлари журналда қатнашишга жалб қилинади. Улар хўжалик ислоҳотининг амалга оширилиши, партия ва халқ амри билан мамлакатда амалга оширилаётган социал-иқтисодий ўзгаришларни идеологик жиҳатдан таъминлаш тўғрисида ҳикоя қиладилар. Журнал оммавий-снёсий иш активистларининг ўзларини қайд қилишни ҳам унутмайди. Снёсий агитация усталарининг фаолиятига бағишланган лавҳа ва очерклар улардан энг яхшиларининг иш тажрибаси билан журналхонларни таништиради.

Кейинги йилларда оммавий агитация ишидаги ижобий тажрибани ёйишнинг жойларда редакция давра суҳбатини ўтказиш каби формасидан ҳам фойдаланмоқдамиз. «КПСС Программаси сатрларида» бўлимининг материаллари журналхонлар томонидан мақулланди ва улар ўртасида жонли аксадо қўзғатди.

Журналнинг деярли ҳар бир сонида энг мураккаб мавзулар юзасидан методик тавсиялар эълон қилиб борилади. Агитатор ва снёсий ахборотчиларга зарур ёрдам кўрсатишни кўзлаб, аввалги йиллардаги каби, журналда КПССнинг ички снёсати, халқаро аҳвол, экономика ва коммунистик ахлоқнинг актуал масалалари юзасидан ўтказиладиган суҳбатлар учун методик тавсиялар мунтазам бериб борилади. Журналда мамлакат ва республикага, шунингдек чет мамлакатларга доир муҳим саналарга бағишлаб бериладиган системага солинган статистик материаллардан журналхонлар ўз амалий ишларида фойдаланишлари мумкин.

Журналхон турли фактлар, воқеалар, оммавий агитация иши амалий тажрибасини тушуниб олиши осонроқ бўлиши учун журналда «Оғзаки чиқишлар учун материаллар», «Снёсий агитация тажрибаси», «Экономика — беш йиллликнинг бош жабҳаси», «Сўҳбатни шу темада ўтказинг», «Методика. Маслаҳат. Консультация», «Бизнинг календарь», «Фан-техника тараққиёти уфқлари» каби ва бошқа бир қатор рубрикалар бор.

«Ғоявий-тарбиявий ишни қайта қуриш: тажриба, изланиш, муаммолар» деган анкета сўроқларига келган жавобларни эълон қилишни давом эттирамиз. Ушбу анкета партия ходимларига, снёсий агитация активистларига мўлжалланган.

Ҳаётимиздаги янгилаш ва демократиялаштириш жараёни ҳамма жойда совет кишиларининг ижтимоий-снёсий активлигини оширибюборди. Утган йили редакцияга келган хатлар орасида проблематик мақолаларга ва авторларимизнинг чиқишларига билдирилган фикрлар анча кўпайганлиги бунинг далилларидан биридир. Редакция буни инобатга олиб, журнал саҳифаларида «Материалларимиз изидан: фикрлар, мулоҳазалар, таклифлар» рубрикаси очди.

Айрим рубрикалар кичик бўлимларга эга, масалан, «Оғзаки чиқишлар учун материаллар» рубрикаси қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади: «Ички снёсат темасида», «Халқаро темада», «Иқтисодий темада», «Тарбиявий темада», «Ҳуқуқ темасида». Бу ахборот беришнинг конкрет йўналишлари бўйича ихтисослашувчи снёсий ахборотчилар учун қулайдир.

1988 йилда «Партия комитети секретари минбари», «Оммавий агитация иши методикаси ва практикаси» ва ҳ.к. рубрикалар остида материаллар эълон қилиш давом эттирилади. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь, июнь Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III ва ундан кейинги пленумлари қарорларининг бажарилиши масалаларига алоҳида эътибор берилади.

Шундай қилиб агитатор ва снёсий ахборотчилар журналдан меҳнаткашлар ҳузурида чиқишлари учун қизиқарли ва таъсирчан материал топа оладилар.

Янги йилда журнал саҳифаларида КПССнинг Бутуниттифоқ конференциясига тайёргарлик кенг ёритилади.

«Оммавий-снёсий иш активисти минбари» рубрикаси қарор топади ва доимий бўлиб қолади деб ишонамиз ва активистларимизнинг бу рубрикада кенг иштирок этишларини умид қиламиз. Редакциянинг режаларида журнал саҳифаларида «Илғор тажриба плакати» бўлими очиш кўзда тутилган бўлиб, унда машъалларимизнинг энг яхши меҳнат зафарлари тўғрисида ҳикоя қилинади. «Атеист йўлдоши»нинг махсус сонлари атеистик пропаганда активистларига мўлжалланган.

«Икки дунё — икки хил турмуш тарзи» рубрикаси остида қарши пропаганда мазмунидаги материаллар бериб борилади.

Журнал муқоваларида «Плакат» ва «Ўзбекистон» нашриётлари чиқарадиган ранг-баранг плакатлар, оммавий агитация активистларининг фотосуратлари, дала шийпонларини, қизил бурчакларни, корхоналарнинг дарвозахоналарини, турар-жой микрорайонларини ва ҳоказоларни безатиш учун энг яхши кўргазмали агитация намуналари эълон қилиб турилади.

Шуни унутмаслик керакки, снёсий агитация партия ишининг муҳим қисми, партиянинг омма билан алоқасининг актив формаларидан биридир. «Ўзбекистон агитатори» сизларга оммавий агитация ишини тўғри, қизиқарли олиб боришга ёрдам беради. Унинг қизиқарли томони аввало шундаки, унда республикамиз ҳаёти кенг ва кўламдор акс эттирилади, унинг хусусиятлари ҳисобга олинади, маҳаллий факт ва рақамларга бой материаллар берилади. Бевосита Ўзбекистонга тааллуқли актуал масалалар тилга олинади.

Шунинг учун ҳам оммавий-снёсий ишга алоқадор кишилар биринчи навбатда «Ўзбекистон агитатори»га обуна бўлишлари керак. У Сизнинг йўлдошингиз, дўстингиз ва кўмакчингиздир.

Журнал редакцияси ўзининг агитатор ва снёсий ахборотчиларга назарий ҳамда методик ёрдам кўрсатишни яна давом эттириш, снёсий агитацияни ташкил этиш ишидаги ижобий тажрибани умумлаштириш ва ёйиш борасидаги ўз ишида журналхонларнинг истакларини ва тавсияларини ҳам инобатга олади. Шунинг учун редакция коллективи танқидий мулоҳазалар учун ҳам, амалий маслаҳатлар учун ҳам, ҳамкасб ўртоқлари тўғрисидаги хатлар учун ҳам, жойларда оммавий агитация ишининг йўлга қўйилиши тўғрисидаги ахборот учун ҳам ғоят миннатдордир. Журналга «Союзпечать» агентликларида ҳамда колхозлар, совхозлар, корхоналар ва муассасалардаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинади.

«Ўзбекистон агитатори» редакцион коллегияси.



Тошкент шаҳри мактабларининг ўқувчилари дарсдан кейин пионер саройларида бўлиб ўзларн ҳавас қўйган касблар бўйича машғулотларда иштирок этишади. Октябрь арафасидаги Крупская номли пионерлар уйи ана шундай масканлардан биридир. Бу ерда турли хил тўгараклар ишлаб турибди. Айниқса, тўқувчилик тўгарагида қизлар чиройли буюмлар тайёрлашни севиб бажаришади. Тўгарак раҳбари Ўғилой Далиева ҳамиша ёшларга бу касбнинг сирларини меҳр билан ўргатади.

СУРАТДА: тўқиш тўгарагида машғулот пайти.

Н. Шарипов фотоси.

ТАРИХНИНГ ЎЧМАС САҲИФАЛАРИ

«ОҚ УЙ»НИНГ ҚОРА ЮРАГИ

70 йил муқаддам, худди шу куни, яъни 1917 йилнинг 28 октябрида Тошкентда октябрь қуролли қўзғолони бошланди. Бир кун аввал эса Петроградда Вақтли ҳукумат ағдарилгани ҳақидаги хабар Тошкентга етиб келди ва бу хабар Вақтли ҳукумат маъмурларини ваҳимага солди. Ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Совети ижроия комитети бу хабардан руҳланиб, қўзғолон кўтаришга шайланди.

Ушбу тарихий репортаж ана шу воқеага бағишланади.

БУ ДАРГОҲНИ тошкентликлар яхши билишади. Туркистон ўлкасини 50 йил ҳадора қилиб келган генерал-губернатор қароргоҳини «Оқ уй» деб аташган. Номи оқ бўлса ҳам юраги қора эди.

Бу «ҳашаматли уй» Вақтли ҳукумат бош комиссари, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-майор П. Коровиченко қароргоҳига айланганди.

Кабинетда кенгаш бормоқда. Коровиченко атрофида унинг ўринбосари — Туркистон комитети раиси граф Георгий Доррер, казак қўшинлари генерал-лейтенанти Кияшко, штаб бошлиғи полковник Макавеев, полковник Русанов, ҳарбий кальа коменданти полковник Бек ўтиришибди.

Генерал Коровиченко офицерларга қарата шундай деди:

— Тошкент Совети ижроқўми қуролли қўзғолонга тараддуд кўрмоқда, жаноблар. Уларнинг таянчи 1 ва 2-Сибирь ўқчи полклари. Полковник Русанов!

— Эшитаман! — ўрнидан туради Русанов.

У генерал-губернатор соқчилари бошлиғи бўлиб хизмат қилган казак офицери. Эндиликда эса Корвиченко штабида масъул лавозимда.

— Сиз зудлик билан шу бугуноқ Сибирь полкларини қуролсизлантиринг. Тушунарлими? Ишга киришаверинг.

— Хўп бўлади.

Коровиченко нигоҳи комендант Бекка тушди.

— Сиз, полковник Бек, большевикларга уяси бўлмиш Тошкент Совети ижроқўмини қамоққа олинг.

— Есть!

Бек шпорларини жаранглатиб чиқиб кетади.

Коровиченко ўринбосари билан кабинетда қолишади. Офицерлар бирин-кетин жойжойларига кетишди.

— Қўзғолон эрта-индин бошланиши ҳақидаги хабар аниқми? — дейди Коровиченко Доррерга.

— Буни кечқурун биламиз, генерал.

ТОШКЕНТ Совети ижроия комитети жойлашган «Ҳуррият уйи»да мажлис бормоқда. Бу мажлисни ижроия комитет аъзоси большевик Г. Цвиллинг бошқармоқда. Ишчи, солдат депутатлари унинг сўзларини диққат билан тинглашмоқда.

— Ўртоқлар, — дейди у дона-дона қилиб, — бугун биз генерал Коровиченкодан қатъий ультиматум олдик. У барча ишчи ва солдатлар қуролларини топширишни, ижроқўм аъзолари бўлмиш большевикларни судга беришни ва яна ишончли таянчимиз — темир йўл устахоналарини қуролланган буюмларни ҳам шу ерга тайёрлашни талаб қилмоқда.

— Генерал жанобларининг кўнгиллари яна нимани тусайди? — луқма ташлади кимдир.

— Ўртоқларимизни бирин-кетин қамоққа олишмоқда. Ижроқўм аъзолари автомобилларини юнкерлар ов-лаб юришибди. Ҳар соат, ҳар дақиқада контрреволюция ҳужуми бўлиши мумкин. Мен большевиклар фракцияси номидан сўрайман. Биз контрреволюцияга жавоб зарби беришга тайёрмизми?

— Тайёрмиз!

— Жанговар тайёргарлигимизни ошириш учун яна нималар қилиш керак, ўртоқлар? — Делегатлар ўртасида ҳаяжон. Қисқа ва лўнда жавоблар эшитилади.

— Устахоналарга тўплар келтириш керак.

— Полқлар пулемётлар билан қуроллантирилсин.

— Темир йўл устахонасида гудок янграши билан жангга тайёр турилсин.

Мажлис шундай резолюция қабул қилади. Шу вақтда кимдир президиум томон чиқиб кетади.

— Ўртоқлар! — Цвилингнинг ҳаяжонли товушидан барча сергакланади, — ҳозиргина хабар қилишди. Юнкерлар ва казаклар бизни қуршаб олишибди. Боя айтганимдай бўлди. Майли хотиржамликни сақланг. Мен мажлисни ёпаман. Қабул қилинган план бўйича иш кўраверинг. Сигнални ёдда тутинглар!

Залга полковник Бек бошчилигида бир тўда юнкерлар, казаклар кириб келишади.

— Ижроқўм аъзоларининг барчаси қамоққа олинади. Округ қўмондони буйруғи билан.

Бек ишораси билан юнкерлар Тошкент Совети ижроия комитети аъзоларини залдан олиб чиқиб кетишади.

— Сизларга рухсат, жаноблар, — дейди у залдагиларга.

Делегатлар чеҳрасида ғазаб. Кўзларда интиқом ўти чақнайди. Казаклар эса шкафларни тинтув қила бошлашади. Столлар ағдарилиб, қоғозлар сочилади.

Полковник Бек тантана ўйнаган кўзлари билан зални тарк қилаётган ишчи ва солдатларни кузатади.

— Қамоққа олганларни қалъага олиб кетинглар, — буюради у казак офицерига. Сўнг телефон трубкасини қўлга олади.

— Ижроқўм қўлга олинди, жаноб олийлари!

Аммо душманлар чучварани хом санашган эди!! Қамоқдан қутулиб қолган Тошкент Совети депутатлари Александр Першин ва Василий Ляпин дарҳол «Ишчилар қалъасига» етиб келишиб, қуролли қўзғолонга раҳбарлик қилишди.

Бу қўзғолон 28 октябрь куни Тошкент Бош темирйўл устахоналарида бошланиб, 31 октябрдан 1 ноябрга ўтар кечаси ғалаба қозонди!

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари кандидати, доцент.

Ҳужжатли кино усталари— Октябрнинг 70 йиллигига

Ўзбекистонлик ҳужжатли кино усталари Улуғ Октябрга бағишланган «Муқаддима» ва «Маҳалла» деган иккита янги тўлиқ метражли фильмлар устида олиб борган ишларини ниҳоясига етказдилар.

«Муқаддима» фильмининг авторлари сценарийчи, тошкентлик адиб Григорий Марьяновский, режиссер Румия Шарипжонова ва оператор Элдор Мамедов халқни золимларга қарши отлантирган Тошкент, Самарқанд, Қўқоннинг дастлабки революционер ишчилари тўғрисида ҳикоя қиладилар. Улар мамлакатнинг кино архивларидан топилган аср бошидаги қаҳрамонона воқеаларнинг нодир ленталаридан фойдаландилар.

«Маҳалла» картинаси Тошкентнинг маҳаллаларидан бири — «Шарқ юлдузи» маҳалласининг аҳолиси тўғрисида ҳикоя қилади. Партия ветеранлари, гражданлар ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари, дастлабки чўлқуварлар ва қурувчилар, «Ҳужум» ҳаракати қатнашчиларининг тақдирида тарих саҳифалари жонланади. Фильм муаллифлари — сценарийчи, москвалик машҳур кинодраматург Генрих Гурков ва режиссёр — оператор Даврон Салимовдир.

(ЎзТАГ).



Полимерлар умри узаяди

ТОМСК, СССР Фанлари Академияси Сибирь бўлимининг нефть химияси институти олимлари, Охта «Пластполимер» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бошқирдистон нефтни қайта ишлаш илмий-тадқиқот институти ва «Томск нефть-химия комбинати» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорликда яратган универсал стабилизатор пластмассадан ясалган буюмлар хизмат муддатини узайтиришга ёрдам беради. «Флуоренс-1510» янги стабилизатори иссиқлик, нур, озон, кислород таъсирида полимерларнинг емирилиш жараёнига самарали тўсқинлик қилади. Пластмассаларга цельсий бўйича 350 даражагача ҳароратда ишлов бериш жараёнида ҳам у ўз самарадорлигини йўқотмайди.

Янги препаратни қўлланиш мамлакатимиз саноатига қимматбаҳо стабилизаторларни чет мамлакатлардан харид қилиш заруратидан халос этади. Масалан, «Флуоренс»нинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши полипропилен таннархини 10—15 процентга арзонлаштиради.

СУРАТДА: «Флуоренс-1510» стабилизатори доналари ва полимердан тайёрланган айрим буюмлар. Мазкур буюмларни ишлаб чиқаришда ана шу стабилизатордан фойдаланилади.

ТАСС фотохроникаси.

ҲУШЁРЛИК—ҲАЁТИМИЗ ТАРЗИ

№ 8 (138)

Ясама иштаҳа азоби

Ёшгина йигит барвақт оламдан ўтди. Ичкилик туфайли унинг ўпка пардаларини зардоб ўраб, сил хасталигига дучор этди. Ҳа, спиртли ичкиликнинг охири вой, деб бекор айтишмаган. Бўлмаса ўша навқирон йигит бевақт ҳалок бўлармиди?

Биохимик жиҳатдан инсон организми жуда мукаммал ва мураккаб тузилган. Одам танасида беҳисоб химиявий элементлар бор. Аммо уларга бир қатра бўлса-да, алкоголь моддаси аралашиб қолса соғлиққа катта зарар келтиради. Шунинг учун ҳам Абу Али ибн Сино «айни илон заҳри билан таққослаган. Арақ одамни тузоғига илинтириб олиб, наслни бузади, телбанамо қилиб қўяди.

Баъзилар борки, ўйламай-нетмай ичкиликни иштаҳа учун ичадилар. Вақоланки, спиртли ичимлик меъдани ачитади, қиздиради, ясама иштаҳа уйғонгач, кўп овқат истеъмол этишни тақозо этади, овқатдан сўнг меъданинг ачишиб оғриши тўхтайди. Энди ошқозон, ичаклар иккинчи балога учрайди, овқатни ҳазм қилолмайди. Қорин кўпчийди, бадан қизийди, нафас олиш ва юрак уриши қийинлашади. Уйқу нотинч кечади. Эртасига бош оғриб, одам ҳолсиз, мадорсиз бўлиб ётади.

Спиртли ичимлик юрак ва қон томирларини аямайди. Ичкилик туфайли юрак мушакларининг таноби бўшашади, оқ емдек рангсиз ва пўк бўлиб қолади. Юрак фаолияти сусаяди. Мушакларнинг емирилиши, қон томирларининг қотиши, ички сатҳининг бурғланиши ичкиликбозликнинг касофатидир.

Буйрак икки хил шикастланади: таркибида спирт бўлган химиявий моддалар ҳужайраларни емириб ташлайди. Оқибатда буйрак ўз функциясидан маҳрум бўлади. Бемор шишиб кетади.

Алкоголь одам шарм-ҳаёсиз, фаросатсиз, шилқим, кўпинча беўхшов бир махлуққа айланади. У ўтиролмайди, гандираклайди, шох ташлаб йиқилади. Бу ҳол орқа миячанинг бузилганидан дарак беради. Ҳолдан, кучдан толган маст йиқилган жойида уйқуга кетади. «Мастга тегма, ўзи йиқилади», дейди доно халқ.

Май таъсирида эҳтиётқорлик, сезгирлик, танқид, назорат марказлари фалаж бўлади. Ана шунинг учун ҳам маст одам жиноятга йўл қўяди. Совет медицинаси арбоби Л. Орловскийнинг маълумотига кўра, ширакайф кишиларда иш унумдорлиги 17—20 процент камайган, онлавий қўйди-чиқдиларнинг кўпига ичкилик сабабчи бўлган, жиноятларнинг 85 проценти, безориликнинг 90 проценти, қотилликнинг 70 проценти, кўча ва уйдаги фожиаларнинг, ишхонадаги бахтсиз ходисаларнинг 45 проценти мастликда содир бўлган.

Спиртли ичимликни узлуксиз истеъмол қилиш туфайли киши руҳиёти бузилади, қулоқ аслида бўлмаган товушларни эшитади, кўз йўқ нарсаларни кўради. Масалан, М. деган бадмаст кўзига кўринган аждаҳога болта отади, лекин ҳушига келгач, қараса, ҳомиладор хотинини ҳалок қилиб қўйганини кўради. Ҳозир руҳий касалликлар шифохонасида даволанаётган Л. деган беморнинг кўзига минг-минглаб чаёнлар кўринган, гугурт ёқиб чаёнларни йўқотмоқчи бўлган, аммо уйига ўт қўйиб юборганини англаган.

Болгариялик олим Г. Ефремов ичкиликка муккасидан кетган 23 эру-хотинни кузатган. Улардан 15 та ўлик, 8 та заиф бола туғилган. Спиртли ичимлик оналарга айниқса, зарарли. Алкоголь ютилгандан сўнг 15 минут ўтмай эмизикли онанинг кўкрагига етиб келади. Ўшанда бегуноҳ гўдак сут билан бирга оғуни қўшиб эмишга мажбур бўлади. Емони шундаки, гўдак ўзи бехабар, алкоголга ўрганиб қолади.

Ҳушёрлик — ҳаётимиз кўрки, фаровон замонамизнинг заминидир. Инсон ҳаётини заҳарлайдиган касофатга қарши кураш чораларининг кўлланиши фақат шифокорларнинг ёки айрим масъул кишиларнинггина эмас, балки бутун жамоатчиликнинг иши бўлиб қолмоғи керак.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари кандидати.

Донолар бисотидан

Мастлик — ақлсизлик

Ичкиликбозлик бизнинг социалистик қурилишимизга тўғридан-тўғри хавф туғдирувчи нарсадир, шунинг учун ҳам Иттифоқимизнинг ҳар бир ишчиси, ҳар бир софдил граждани у билан шафқатсиз кураш олиб бормоғи зарур.

Н. А. Семашко.

Ичкиликбозлик, деб аталган ёвузликка қарши курашиш жуда катта давлат аҳамиятига эга, чунки ичкиликбозлик кучайиши билан мамлакатда халқнинг жисмоний ва ақлий қуввати, меҳнат лаёқати ҳам пасаяди, дея қатъият билан айтиш мумкин, натижада мамлакатнинг иқтисодий кучи ва шу билан бирга унинг ахлоқи ҳам бўшашади, оқибатда жиноятлар сони кўпаяди.

В. М. Бехтерев.

Маданиятли кишилар ҳам мастликда ўз қиёфаларини йўқотиб, инсонгарчиликдан чиқадилар.

Жюль Верн.

Мастлик ўзи истаб жинни бўлишдир.

Кичкина Сенека.

Биринчи қадаҳ чанқоқни босиш учун, иккинчиси — хурсандчилик, учинчиси — кайф қилиб ҳузурланиш, тўртинчиси эса ақлдан озиш учун ичилади.

Анахарсис.

Дорига ўрганиб қолса...

Афюннинг турли навларида 3 процентдан 23 процентгача морфий бўлиб, унинг кишига энг кам таъсир этадиган меъёри 0.005 грамм, 0,0015—0,030 грамм морфий эса одамни қаттиқ ухлатиб қўяди; унинг 0,05 грами киши организмига юборилса, оғир жароҳатланишга сабаб бўлади.

Морфийнинг 0,2 грами одамни ҳалок қилади. Морфийхўр одам унн сунистеъмол қилишга ўрганиб, организми унга кўникиб бораверса, кейинчалик яна кўпроқ «дори» талаб қиладиган бўлиб қолади, агар у буни истеъмол қилмаса тиришади, морфийхўрнинг ҳаёти узоққа бормайди.

Инсон умрининг узоқ бўлишини таъминлайдиган омиллардан бири — организмни ҳимоя этувчи кучларнинг мустаҳкам бўлишидир. Агар шу кучлар етарлича ўз вазифаларини ўтаб турсалар, инсон соғлом бўлади, акс ҳолда организм заифлашиб, турли касалликларга мойил бўлади ва оғир хасталикларнинг авж олиб кетишига сабаб бўлади.

Маълумки, алкоголь — заҳар. Инсоннинг бирор ҳужайраси, бирор тўқимаси ёки бирор аъзоси унинг заҳарли таъсиридан четда қолмайди. Айниқса, спиртли ичимлик нафас олиш органларининг ҳолатига катта зиён келтиради. Алкоголнинг 5—7 процентгача бўлган қисми ва унинг парчаланишидан ҳосил бўладиган моддалар (метаболитлар) турли-туман ўпка касалликлари келиб чиқишини кучайтиради ва нафас аъзоларида мавжуд бўлган хасталикларни авж олдириб юборади. Шунинг учун кишиларнинг ичган-ичмаганликлари экспертизада асосан нафас билан чиқаётган алкоголга қараб аниқланади. Алкоголнинг таъсирида ўпка ҳужайраларининг озиқланиши ёмонлашади, спиртли ичимлик мунтазам ичилганда эса ўпка тўқималарининг касаллик туғдирувчи микробларига қаршилик кўрсатиш хусусияти пасаяди, ўпканинг айрогематик барьери ўзгаради, кислороднинг қонга ўтиши камаяди, чунки микроциркуляция (майда капилляр қон айланиши) ўзгаради. Натижада нафас динамикаси издан чиқади.


Сил касаллигини келтириб чиқарувчи таёқча шаклидаги микроорганизм сил микобактериями деб аталиб, у табиатда анча кенг тарқалган. Шу сабабли кўпинча одамларнинг организмига кириши мумкин, лекин организмнинг ҳимоя кучлари етарли бўлса касаллик келиб чиқмайди ва сил микобактериясининг ўпкада йиғилган қисмида оҳак тузлари тошга ўхшаш тугмача ҳосил қилади ва инсон бутун умр соғ-саломат яшаши мумкин. Лекин юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, одам ўз организмининг мустаҳкамлиги турли зарарли одатлар, шу жумладан, спиртли ичимликлар истеъмол этиш натижасида қучсизлантирса, унда ўпкадаги микробактерияларнинг ҳуруж қилиши ёки ташқаридан кираётган сил микробининг таъсири натижасида касаллик келиб чиқиши мумкин.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, нафас орқали қонга ўтаётган кислород билан бошқа моддалар, шу жумладан ҳар хил микроорганизмлар ҳам ўтиб кетмасликги учун нафас аъзоларининг шиллиқ пардалари устида ёғ ва оқсил моддалардан ташкил топган махсус парда бор. Бу парда жуда муҳим вазифани бажаради. Лекин спирт ёғда яхши эриганлиги учун қондан нафас аъзоларига ўтиб ташқарига чиқиш олдидан, юқорида айтиб ўтган парданинг составини бузиб юборади ва унинг ҳимоя кучини йўққа чиқаради.

Шунингдек, қондан ўпка тўқималарига ўтиб микроорганизмларга қаршн курашувчи оқ қон доначалари лейкоцитлар фаолиятини сустлаштиради. Мана шу сабаблар натижасида ўпка тўқималарининг маҳаллий иммунитети заифлашиб кетади ва микробларга етарлича қаршилик кўрсата олмайди. Натижада ўпкада ҳосил бўлган «сил тугунчаларидан» микробактерияларнинг ташқарига чиқиб ҳуруж қилиши, ўпкада сил касаллигига хос бўлган ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Спиртли ичимликларни систематик равишда истеъмол этувчиларда силнинг ривожланиши тез боради, ўпкадаги кичик яллиғланиш тезда ярага айланиб, улар ўрнида каваклар (каверна) ҳосил бўлади, бу ҳолат тезда ўпканинг қолган қисмларига тарқалиб, силнинг тузалиши қийин бўлган формаси юзага чиқади. Силнинг бундай формаси сурункали давом этиб, кишини ҳалок этиши мумкин. Силнинг шундай формаси билан оғриган беморлар ҳаёти синчиклаб ўрганилганда, аксарият спиртли ичимликлар истеъмол этилганлиги маълум бўлади. Бу оғир дардга чалинмаслик учун спиртли ичимликларни ичмаслик, агар унга ўрганиб қолинган бўлса, тезда иродани қўлга олиб, бу оғудан қутилиш керак.

А. АЪЗАМОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли академик Ш. А. Алимов номидаги сил илмий текшириш институтининг директори, республикада хизмат кўрсатган врач.



Изоҳнинг ҳожати йўқ.

А. Ҳакимов чизган сурат.



Галина МУРЗАЙ:

«Отам Мирзаев авлодини билганлар борми?»

ёки ўзбек ўғлонининг украин қизи Галинанинг дил армонлари

Ҳар куни ишга анча барвақт келаман. Кейинги кунларда хона эшигини очгунимча, телефонлар жиринглаб турган бўлади. Нотаниш одамларнинг дардли ва умидли сўзларини тинглайман.

— Укажон! Илтимос, мен Мирзаев деган одамнинг...

Ҳа, уруш вақтида бедарак кетган Мирзаевлардан бирининг опаси, акаси, укаси, ўғли, невараси... Дардли ва умидли мурожаат!

Ўзбекистон ССРда Украина ССР адабиёти ва санъати кунлари кезларида Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» программаси ходимлари Украина ССР халқ артисти Галина Мурзайдан интервью олдилар.

Бу аёлни ҳақли равишда «Украина булбули» дейишади. Галина Мурзайнинг қўшиқлари В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройини тўлдириб ўтирган барча қўшиқ шинавандаларини ҳайратга солди.

Галина Украинанинг узоқ бир қишлоғида дунёга келган, ҳунар-техника билим юртида таълим олган, қурилишда бўёқчи бўлиб ишлаган, бадиий ҳаваскордан жаҳонга танилган қўшиқчи бўлиб етишган. Турли халқаро ва Бутуниттифоқ конкурсларида қатнашиб, ғолиб чиққан,

Украина ССР адабиёти ва санъати кунларида меҳмонлар республикамиз бўйлаб сафарга чиққанларида, баъзи жойларда мезбонлар Галинага ўзбек тилида мурожаат этишади. Улар Галина Мурзайни меҳмонларни кузатиб юрган вакил деб ўйлашган экан. Кўҳликкина, келишган қоматли, узун қошқора сочли бу аёлни тошкентлик зиёлилардан чиндан ҳам ажратиш қийин эди..

Галина Аъзамовна Мурзай тақдири бу муаммони ойдинлаштириб берди.

— Менинг ҳақиқий фамилиям Мирзаева. Отамнинг исми Аъзам. Ҳа, у ўзбек эди. Мактабни битираётганимда қишлоқ Советидагилар фамилиямни украинчасига Мурзай деб ёзишган экан.

Отамнинг тақдири — минг-минглаб Ватан ҳимоячилари тақдирига ўхшайди. Отамни қишлоғимиздагилар ҳалигача эслашади. Урушдан сал аввал бу ерга ҳарбий хизматга келгани ва онамга уйлангани, ўзи жуда серҳаракат ва ғайратли, қувноқ йигит бўлганини айтишади. Отам — Аъзам Мирзаев уруш бошлангач сал ўтмай, Харьков атрофидаги жангларда ҳалок бўлган экан. Шундан кейин мен туғилганман.

Аъзам Мирзаевнинг Тошкентда онаси, икки опаси (ёки синглиси) борлигини, ёзги отпускаси пайтида Тошкентга келажагини айтган экан. Унинг иккита фотосурати бор эди. Урушдан кейин қишлоғимизга келган фотограф уни катталаштиришга олиб кетганича қайтиб келмади.

Адресини эса уруш йиллари йўқотганмиз. Отамнинг бирон бир яқинини, қариндошларимни топаолсам, бениҳоя бахтли бўлардим. Эҳтимол, жангчи Аъзам Мирзаевни билганлар бордир?

Галина Аъзамовна Ўзбекистонга жуда катта ички ҳаяжон билан келди. Шу ерда унинг энг азиз одами — отаси туғилган, ўсган, шу ердан ҳарбий хизматга жўнаган. Шу ерда эҳтимолки, унинг онаси ҳаётдир, опа-сингиллари, жиянлари бордир. Қани энди улар билан учрашса, отасини кўргандек шодланса... Ҳар эҳтимолга қарши бирор одам Аъзам Мирзаев ҳақида хабар топса, Галина Аъзамовна Мурзайнинг адресини айтиб ўтай. Ворошиловград шаҳри, область филармонияси солисткаси. Уй адреси: Ворошиловград шаҳри, Коцюбинская кўчаси, 47-А уй, 30-квартира.

Шу сатрларни ёзиб тугалламаган ҳам эдимки, яна телефон жиринглаб қолди.

— Кечаги Мирзаев деганингизнинг исмини яхши англай олмадик. Бувим сўраяптилар. Икки укалари урушда бедарак кетишган. Бирининг исми Карим, иккинчиси эса...

Лаънати уруш... У билан боғлиқ бир оғиз сўз ҳам қанчадан-қанча одамлар қалбидаги ярани яна қайта янгилабди. Ўз номи билан уруш — қирғин, офат, айрилиқ, алам сўзларининг бошламаси эканини ҳеч ким асло унутгани йўқ!

Икки халқ қизи — Галина ҳам ўз аламини, армонини шу кунгача қалбида сақлаб келади. У ҳам отаси уруғларини топиш орзусида. Яқинда Афғонистонда интернационал бурчини ўтаб қайтган ўғли ҳам отаси — Қаҳрамон жангчи яқинларини излайди.

А. ТОЖИЕВ.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/XI да — **Оловуддининг сеҳрли чироғи** (12.00), **Оламнинг яратилиши** (19.00).
3/XI да — **Оловли фариштa.**
4/XI да — **Севги афсонаси.**
11/XI да —**Замонавий хореография кечаси.**
12/XI — **Чио-Чио-Сан.**
13/XI да— **Раймонда.**
15/XI да — **Оққуш кўли** (12.00), **Флория Тоска** (19.00).
17/XI да — **Зебуннисо.**
18/XI да — **Дон Кихот.**
19/XI да — **Петр Биринчи,**
20/XI да — **Тўмарис.**
22/XI да — **Оловиддининг сеҳрли чироғи** (12.00), **Икки дил достони** (19.00).
24/XI да — **Кармен.**
25/XI да — **Жизель.**
26/XI да — **Фауст.**
27/XI да — **Анна Каренина.**
28/XI да — **Отелло.**
29/XI да — **Концерт** (12.00), **Замонавий хореография кечаси** (19.00).

Спектакллар (кундузги) **соат 12.00 да ва** (кечки) **19.00 да бошланади.**

Билетлар театр кассасида соат 10.00 дан 19.30 гача сотилади.

Справкалар учун телефон 33-90-81.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЖАҲОН КИНЕМАТОГРАФИЯСИ ДУРДОНАЛАРИ — ЭКРАНДА!

Кино санъатига чинакам ихлос қўйган барча кишиларни замонимизнинг улкан кино режиссерларидан бири ФРЕДЕРИКА ФЕЛЛИНИ ЯРАТГАН

«ДЕНДЖЕРИ ВА ФРЕД»

ФИЛЬМ НАМОЙИШИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Фильм 28, 29 ва 30 октябрда республика кино уйининг катта залида намойиш қилинади.

Сеанслар — соат 17 ва 19.30 да бошланади.

Билетлар ҳар куни соат 16.00 дан бошлаб КИНО УЙИ (Ўзбекистон кўчаси) **кассасида сотилади.**

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

Т. СОДИҚОВ НОМИДАГИ ШАҲАР МАДАНИЯТ УЙИ **қуйидаги бадиий ҳаваскорлик коллективларига ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

— рус халқ чолғу асбоблари оркестри,
— «Ритм» эстрада рақс ансамбли,
— «Яшьлек» татар-бошқирд халқ ансамбли,
— болалар қўғирчоқ театри (рус ва ўзбек группаларига),
— ўзбек миниатюралар театри,
— бал рақси ансамбли,
— «Гулнор» ўзбек рақс ансамбли,
— вокал класси,
— вокал ансамбли,
— болалар хори,
— фотостудия,
— бичиш ва тикиш курслари,
— доирачилар ансамбли,
— ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри.

Қабул — ҳар куни соат 10 дан 20.00 гача қуйидаги адресда амалга оширилади: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Будённий кўчаси, 123-уй (2, 3, 80-автобуслар; 32-маршрут таксисининг «ГАИ» бекати.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

1987 йил 1 ноябрдан бошлаб

ТОШКЕНТ—ЯНГИЙЎЛ УЧАСТКАСИДА

ТЕМИРЙЎЛ КОНТАКТ ТАРМОҒИ СИМИГА 27,5 КВ. ЮҚОРИ КУЧЛАНИШДАГИ ЎЗГАРУВЧАН ТОК БЕРИЛАДИ.

Контакт тармоғи қисмларига 2 метр масофадан яқинроқ келиш ҳаёт учун хавфлидир.

Электр узатиш тармоғи устунлари ва вагонларнинг томларига чиқманг!

Симлар ва устунларга ҳеч бир бошқа предметлар билан тегманг!

Симлар узилган пайтда уларга 10 метр масофадан яқин борманг! Узилган симларни кўрган вақтингизда исталган темирйўл транспорти ходимига хабар қилинг!

Трубопроводлар, металл тўсиқлар, бошқа металл иншоотларни ерга туташтириш лозим.

БАРЧА ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИНГ!

Ўрта Осиё темирйўли бўлими.

ДИҚҚАТ: ТИРАЖ!

1987 ЙИЛ 15 НОЯБРЬ СОАТ 9.00 ДА

«БИЛИМЛАР УЙИ»НИНГ КАТТА ЗАЛИДА

1982 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ДАВЛАТ ЗАЁМИ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА

47-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎЙНАЛАДИ

Тиражда 50 сўм қийматли облигацияга 100, 250, 500, **1000, 2500, 5000 ва 10000 сўмлик ютуқлар ўйналади.** 5000 сўм ютган облигация эгаларига навбатдан ташқари «Жигули» моделларидаги ВАЗ-21013, 2108, 2106, 2121-«Нива», 10000 ютуқ чиққан облигация эгасига «Волга» ГАЗ-24—10 ёки юқорида моделлари санаб ўтилган маркалардаги «Жугули» автомобилларини сотиб олиш ҳуқуқи берилади.

ТИРАЖ ВАҚТИДА ҲАММА ҚАТНАШИШИ МУМКИН.

Давлат заёми облигациялари омонат кассалари томонидан эркин равишда сотилади ва сотиб олинади.

1982 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ДАВЛАТ ЗАЁМИ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ!

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.

Й. ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

1987-1988 ўқув йили учун КЕЧКИ ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов курси тингловчиларини техника олий ўқув юртларининг ҳамма бўлимларига кириш учун тайёрлайди.

Машғулотлар рус ва ўзбек тилларида юқори малакали ўқитувчилар томонидан математика, химия, физика, тил ва адабиёт фанларидан кириш имтиҳонлари программаси асосида олиб борилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: институт ректори номига ёзилган ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, ўқувчилар учун ўқиш жойидан справка, иш жойидан справка, 2 дона фотосурат (3х4 см.).

Ҳужжатлар шанба кунидан ташқари ҳар куни соат 17.00 дан 19.00 гача институтнинг янги биносида (15-хонада) қабул қилинади.

Етти ойлик тайёрлов курсига 65 сўм, 4 ойлик курсига эса 37 сўм тўланади.

ЎҚИШ ЕТТИ ОЙЛИК КУРСЛАРДА 1 ДЕКАБРДАН, 4 ОЙЛИК КУРСЛАРДА 1 ФЕВРАЛДАН БОШЛАНАДИ.

Институт адреси: Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй (3, 18, 54, 50-автобуслар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 7, 9, 11, 4, 24, 28-трамвайларнинг «Соцгородок»; 77, 173-автобуслар, 11-троллейбуснинг «Тўқимачилик институти» бекатлари).

Ўқишга марҳамат!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

43-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1-3 йил.

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: БУЁҚЧИ ВА СУВОҚЧИЛАР, ДУРАДГОРЛАР, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИЛАР, КОНСТРУКТОР-МОНТАЖЧИЛАР.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганлар ўзлари танлаган мутахассисликлари билан бирга ўрта маълумот тўғрисида аттестат ҳам оладилар.

Билим юрти қошида танлаган касблари бўйича тўгараклар мунтазам равишда иш олиб боради.

Ўқувчилар ёзги каникулни Чимёнда жойлашган лагерда ўтказишлари мумкин.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги ҳужжат, маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақидаги справка, 3х4 см. ҳажмида 4 дона фотосурат.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (дам олиш кунидан ташқари) СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, 7-квартал (25, 28, 29-трамвайларнинг охирги бекати).

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

Барча республикаларнинг миллий таомлари Тошкентда

ТОШКЕНТЛИКЛАР ҚАДИМДАН ЎЗ МЕҲМОНДЎСТЛИКЛАРИ БИЛАН ШУҲРАТ ҚОЗОНИШГАН. БУНИНГ РАМЗИ—ЎЗБЕК ДАСТУРХОНИ: ҚАҲРАБО РАНГЛИ ПАЛОВ, ХУШБЎЙ КАБОБ, ОЛТИНРАНГ ШЎРВА ВА ҲОКАЗОЛАР БИЛАН ТЎКИН БЎЛГАН.

БОШҚА РЕСПУБЛИКАЛАРДА МЕҲМОННИ ҚАНДАЙ ТАОМЛАР БИЛАН СИЙЛАШАДИ?



СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ ТАОМЛАРИ БИЛАН ТОШКЕНТДАГИ КАФЕ ВА ОШХОНАЛАРДА 10 НОЯБРГАЧА ЎТАДИГАН ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИ ОИЛИГИДА ТАНИШИШ МУМКИН.

ФРУНЗЕ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИНИНГ

1-пойабзал фабрикаси қошидаги 2-ОШХОНАСИ; тикувчилик фабрикаси қошидаги 5-ОШХОНА (Ш. Руставели кўчаси); **Абразив заводи қошидаги 11-ОШХОНА** (А. Қаҳҳор кўчаси); **«Ташсельмаш» заводи қошидаги 12-ОШХОНА** (Ш. Руставели кўчаси); **3-ошхонага қарашли «ЮЛДУЗ» КАФЕСИ** (Ш. Руставели кўчаси, 64-уй); **6-ошхонага қарашли «МОВИЙ ГУМБАЗЛАР» КАФЕСИ** (Ленин номли проспект); **14-ошхонага қарашли «САМАРҚАНД» ЧОЙХОНАСИ** (Б. Хмельницкий кўчаси); **10-ошхонага қарашли «ҚИЗИЛ ГУМБАЗЛАР» ЧОЙХОНАСИ** (Ш. Руставели кўчаси); **13-ошхонага қарашли «ФЕРУЗА» КАФЕСИ** (Муқимий кўчаси) **ТОЖИК МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.**

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИНИНГ

4-ошхонасига қарашли «ШУҲРАТ» ва «ТОҲИР» КАФЕЛАРИ; 2-ошхонасига қарашли «ЗУҲРА» КАФЕСИ (Фарҳод кўчаси, 21-уй); **заргарлик заводи қошидаги 4-ОШХОНА** (Д-20 квартали) **ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.**

ҲАМЗА РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИНИНГ

1-ошхонасига қарашли «ДОРОЖНОЕ» КАФЕСИ (Куйбишев шоссеси, 79-уй), **12-ошхонасига қарашли «КОСМОС» КАФЕСИ** (Лисунов кўчаси, Авиасозлар шаҳарчаси); **«Ташсельмаш» заводи қошидаги 7-ОШХОНАСИ** (Сельмаш кўчаси); **«ТЕХНОЛОГ» заводи қошидаги 11-ОШХОНАСИ** (Ульянов кўчаси, 210-уй); **1-уйсозлик комбинати қошидаги 5-ОШХОНАСИ** (Қурувчилар кўчаси); **кўприк ва темир-бетон буюмлари экспериментал заводи қошидаги 4-ОШХОНАСИ** (Қурувчилар кўчаси, 12-уй, халқа йўли) **МОЛДОВАН МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.**

СЕРГЕЛИ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИНИНГ

7-ошхонасига қарашли «СИРДАРЁ» КАФЕСИ (Сергели-3 массиви); **электромеханика заводи қошидаги 7-ОШХОНАСИ** (Сергели-3 массиви); **4-ошхонасига қарашли «ЭРКИН» КАФЕСИ** (Чоштепа кўчаси, 31-уй); **«КОМФОРТ» заводига қарашли 2-ОШХОНА** (Сергели-3 массиви); **граждан авиациясининг 243-заводига қарашли 5-ОШХОНА** (Самолётсозлар шаҳарчаси); **Тошкент авиаотряди қошидаги 5-ОШХОНА** (Локомотив кўчаси).

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ

КУЙБИШЕВ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИНИНГ

33-ошхонасига қарашли — «ТОШКЕНТ» КАФЕСИ (Якуб Колас кўчаси, 21-уй, Тельман номли парк); **3-ошхонасига қарашли КАФЕ** (Карл Маркс кўчаси, 59-уй); **трактор заводи қошидаги 20-ОШХОНА** (ТТЗ массиви); **«Союзхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли ОШХОНА** (Владимир кўчаси, 13-проезд); **экскаватор заводига қарашли тайёрлов фабрикаси қошидаги ОШХОНА** (Содиқов кўчаси, 13-уй); **«УЗТЯЖПРОМ» қошидаги 12-ОШХОНА** (Пушкин кўчаси, 88-уй)

ГРУЗИН МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМАСИ.

Касб танлаймиз

«ШУҲРАТ» ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА БЕРАДИ

«Шуҳрат» мактаб-магазини

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА 17-25 ЁШЛИ, 8 ВА 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқиш муддати 5 ва 6 ой.

Ойига 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

БИТИРГАНЛАРГА КИЧИК СОТУВЧИ ЁКИ КОНТРОЛЛЕР-КАССИР МАЛАКАСИ БЕРИЛАДИ ВА УЛАР ШАҲАР САВДО КОРХОНАЛАРИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, аттестат ёки маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома (асл нусхаси), мактабдан ёки сўнгги иш жойидан характеристика, иккита 6х9 ва иккита 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 10 ДАН 18.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИНИНГ АДРЕСИ: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 11-квартал, 2-уй (20, 34, 41, 50, 54, 70, 75, 79, 87, 182, 187-автобуслар, 6, 11, 12, 13, 19-троллейбусларда «Шуҳрат» бекатигача, метрода «Чилонзор станцияси»гача борилади).

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ (телефон 75-58-77).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/X да Мирзо... 29/X да **Дон Кихот.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/X да Комил... **лар қўзғолони,** 29/X да ... **дир эшиги.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ... БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 28/X да Мас... **лик,** 29/X да Кулги кечаси.

УЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ТАДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/X да Саратондаги кечаси.

Кино

28 ОКТЯБРДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «САЛЬВАДОР» (катта зал, 11, 13.30, 18.15, 20.30); «ҲОКИМЛАР УЙИНИ» (кичик зал, 17, 19.30).

Чайка — «АМАДЕЙ» (18, 21.00), «ЗОРРО» (16.00).

Кино уйи — «ДЕНДЖЕРИ ВА ФРЕД» (17, 19.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ҚУЛФБУЗАР» (жуфт соатларда).

Искра — «СЕВГИ САРОБЛАРИ» (16, 18, 20.00).

Козоғистон — «БАНКИР МАРГАЙА» (16, 17, 20.00), «КУРЬЕР» (19.00).

Москва — «ОВСАР» (17, 20.40).

Дружба — «ЧАНГДА КЕЛГАН ГУЛ» (17, 20.00).

Ватан — «ШАКТИ» (18, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» (18 ,21.00).

К. Ёрматов номли — «ПАБЛАНКА» (тоқ соатларда).

Лисунов номли — «ҚЎЛБУЗАР» (тоқ соатларда).

Нукус — «ҲАЁТ ШУНДАЙ ҲАМ ҚИСҚА» (16.00).

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги — «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи — 44-21-44, 44-21-34, 44-21-74.
Ватан — 74-30-38.
Чайка — 77-06-20.
Москва — 33-05-01.
Тошкент Советининг 50 йиллиги — 78-47-25.
Восток — 91-14-61.
Лисунов номли — 96-31-44.
ВЛКСМ 30 йиллиги — 21-44-52.
Дружба — 67-96-87.
Кинолаштириш бошқармаси 33-37-11.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИ

аёлларни ошпазлик курсларига ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 11 ой. Ўқиш даврида ўқувчилар иссиқ овқат, махсус униформ-бош билан таъминланадилар, курсларни тамомлагач, уларга 3-разрядли ошпаз гувоҳномаси берилади. Хоҳловчилар кечки-ёшлар мактабида таълим олишлари мумкин.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 11-квартал, 35-уй, кадрлар бўлими. Телефон 76-49-54.

«УЗГОСЭНЕРГОНАДЗОР» ЭСЛАТАДИ

Фойдаланилган электр қуввати ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш ҳар бир киши нинг бурчи!

ЭЛЕКТР ҲАҚИНИ ҲАР ОЙНИНГ 1-5 ЧИСЛОЛАРИДА тўлов дафтарчасига асосан 5 кун мобайнида уни Тошкент давлат меҳнат омонат кассаларининг кирим кассаларига ТЎЛАШ ЗАРУР

Агарда сиз фойдаланаётган электр қуввати учун ҳақни тўлашни эсдан чиқаргансиз бўлсангиз қарзингизни зудлик билан ҳал қилишингиз лозим.

ЕДИНГИЗДА ЎЗ ВАҚТИДА тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги сабабли электр энергияси берилиши тўхтатиб қўйилиши мумкин.

«Тошкент оқшоми» — Узбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми» («Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмушн ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва ҳалқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-58.35; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р — 13089. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим.) Б. 2497. Тираж — 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.